

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯ СОХАСИДА ТАЪЛИМНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИГА
ПСИХОЛОГИК КАРАШЛАР.

Мамayusupova Iroda Xamodovna

QDPI ning Fakultetlararo pedagogika va psixologiya kafedra oqituvchisi psixologiya fanlari
bo'yicha nomzod (PHD).

Email: irodamamayusupova7777@gmail.com phone: +99891-140-42-47.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12597243>

Annotatsiya. Ushbu maqolada ta'lim qonunlari va qoidalari, ularning pedagogik va psixologik asoslari. Ta'lim qoidalarining tavsifiga keng ta'rif berilgan. Ta'limning ilmiyligi, izchilligi va tizimliliigi qoidalari. Shuningdek, ta'lim qoidalarining ishlab chiqilishi va ularning xususiyatlari ochib beriladi. Ta'lim jarayonida ilmiylik, tizimlilik, izchillik kabi qoidalar tarbiyaviy maqsadni tashkil etadi. Insoniylik qoidalari, yosh xususiyatlarini hisobga olish, moslik haqida.

Tayanch so'zlar: Ta'lim, tarbiya, qoida, moslik, savob, pedagogik texnologiya, masofaviy ta'lim va savob ta'limning tarbiyaviy maqsadini belgilaydi.

PSYCHOLOGICAL VIEWS ON THE BASIC RULES OF EDUCATION IN THE FIELD
OF HIGHER EDUCATION PSYCHOLOGY.

Abstract. In this article, the laws and rules of education, their pedagogical and psychological foundations. The description of the rules of education is given a wide definition. The rules of scientificity, consistency, and systematicity of education. Also, the development of educational rules and their features are revealed. In the educational process, rules such as scientificity, systematicity, and consistency constitute the educational goal. The rules of humanity, consideration of age characteristics, suitability.

Key words: Education, upbringing, rule, suitability, merit, pedagogical technology, distance education and merit determine the educational goal of education.

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ НА ОСНОВНЫЕ ПРАВИЛА ОБУЧЕНИЯ В
ОБЛАСТИ ПСИХОЛОГИИ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ.

Аннотация. В данной статье рассматриваются законы и правила воспитания, их педагогические и психологические основы. В описании правил воспитания дано широкое определение. Правила научности, последовательности и системности образования. Также раскрывается разработка образовательных правил и их особенности. В образовательном процессе такие правила, как научность, систематичность и последовательность,

составляют образовательную цель. Правила гуманности, учет возрастных особенностей, пригодности

Ключевые слова: Образование, воспитание, правило, пригодность, заслуги, педагогические технологии, дистанционное образование. Заслуги определяют образовательную цель образования.

“Тараққиётнинг тамал тоши, миллатни буюк қиладиган куч илм-фан ва таълим –тарбиядир ”

(Призидент Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш илм-фан ривожини жадаллаштириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишдаги нутқидан.)

Кишилик жамияти тараққиётининг даслабки даврларида ўқитиш иши тарбия билан бир бутун ҳолда, узвий боғланган эди. Таълимнинг мазмуни у қадар мураккаб бўлмай кўпинча боланинг катта ёшдагиларга тақлид қилиши, улар билан биргаишлаши тарзида амалга оширилар эди. Бола каттага тақлид қилиб, унинг ишларидан наъмуна олиб тажрибасини ўрганар ва ўзлаштирар эди.

Жамиятнинг тарихий тараққиётида ўқитиш иши маълум даражада тус олди.

Билимлар мураккаблашиб ва билим фаолиятини махсус равишда ташкил этишни талаб қилди.

Иккинчидан ижтимоий ишлаб чиқаришдаги мулоқат ва тақсимот айрим касбларнинг мутахассисларини тайёрлаш вазифасини ўртага қўйди. Ўқитиш иши таълимнинг ўзига хос мақсадларини мазмунини ва ташкил этилишини акс эттирувчи мустақил характерга эга бўлди.

Билиш жараёни каби таълим жараёнида ҳам ўқувчи билмасликдан билишга, нотўғри ва ноаниқ билишдан тўлиқроқ ва аниқроқ, чуқурроқ билишгача бўлган йўлни босиб ўтади. Бу жараёнда ҳиссий идрок этиш ҳам, абстракт тафаккур ҳам, амалда синаб кўриш ҳам бўлади. Билиш икки паллага-назария ва амалиётга бўлинади. Назария янги билимни, янгича билишни ифодаловчи тизимли фикрдир.

Назарияда ғоя шаклланади.

Амалиёт билимларнинг ҳақиқийлигини кўрсатувчи мезондир. Кузатиш тажриба, ўзгартириш, яратиш–булар амалиёт шаклига киради. Таълим билиш фаолиятининг тури сифатида педагогика фанида бир неча асосий маънони англатади. Бу- ўқувчиларда билим, малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш, уларда дунёқараш, фикр ва эътиқодларни шакллантириш, ўқувчиларнинг муайян даражада ўқимишли, фикрли, маданиятли, тарбияли, чин инсон бўлишига эришиш, уларнинг қобилиятларини ўстиришдан иборатдир. Таълим инсоният тажрибасининг маълум томонларини, яъни ўқувчилар ижтимоий тараққиётининг ҳозирги талабларига мувофиқ даражада билим ва тарбияга эга

бўлишларини таъминлайдиган фаолиятдир. Таълим жараёнининг мазмунини билим, кўникма ва малакалар ташкил қилади. [1, 54. с].

Таълим жараёни ўта мураккаб жараёндир. Унинг амалга оширилишида турли даражадаги билим ва педагогик маҳоратга, ўз дунёқарashi, қобилияти, психик хусусиятлари эга бўлган ўқитувчилар иштирок этишади. Бу ўз навбатида таълим жараёнининг самарадорлиги турлича бўлишига олиб келади. Лекин, ҳар бир ўқитувчи таълимни ташкил этишда таълим мазмуни, мақсади ва вазифаларидан чиқиб кетмаслиги лозим. Таълим жараёнини изчиллик билан тизимли равишда ташкил этишга ўқитувчи томонидан ўз фаолиятини дидактик талаблар доирасида ташкил этишга таълим қоидалари ёрдам беради. Педагогик адабиётларда таълим қоидалари ўқитувчи фаолиятига қўйиладиган талаблар сифатида изоҳланади. Аммо, таълим жараёнида ҳам ўқитувчи ҳам ўқувчилар иштирок этишади, шу сабабли таълим қоидалари жараёнининг иккала субъектига- ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчига дахлдор.

Таълим қоидалари ўқув-тарбия жараёнига қўйиладиган ижтимоий талаблар, таълимни ташкил этиш ва бошқаришда роя қилинадиган қоидалар сифатида амал қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, таълимни ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилишда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига қўйилган педагогик талаблар таълим қоидалари, деб аталади. Таълим қоидалари таълим иштирокчилари томонидан сўзсиз амал қилиниши лозим бўлган талаблардир. [3, 26. с].

Таълим қоидаларининг вужудга келиши, ривожланиши педагогика фани тарихи билан боғлиқдир. Илк бор таълим қоидаларини Ўрта Осиёда яшаб ижод этган буюк алломаларимиз Абу Носир Фаробий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний асарларида учратиш мумкин. Мактаб тарихида шакланган таълим қоидаларини изоҳлаш, тизимга солиш ва педагогик талаблар сифатида асослаш эса буюк чех педагоги Ян Амос Коменский номи билан боғлиқдир. У ўзининг машҳур «Буюк дидактика» асарида педагогик амалиётдаги қоидаларнинг кўпчилигини чуқур ўрганиб, тажрибадан ўтказиб изоҳлаб берди. Буюк педагог табиатга мослаб ўқитиш ғоясидан келиб чиқиб кўрсатмалilik (нарсатана, сўз эса кийим, нарса-дон, сўзининг пўстлоғи; шундай экан, билиш нарсанинг ўзини сезишдан, ўрганишдан бошланиши лозим). Тушунарlilik (у ёки бу ўқув фанини ўқитишдан олдин болалар уни ўрганишга тайёр бўлиши керак; ўқув фанини ўрганишга тўсқинлик қиладиган нарсаларнинг барчаси бартараф этилсин); изчиллик (табиатда нарса-ҳодисалар ўзаро боғлиқ бўлганидек, таълимда ҳам барча нарсаларни бир-бирига боғлаб ўргатиш зарур; ўқув машғулотларини шундай тақсимлаш керакки, унда олдин ўрганилган кейинги билимларга йўл очсин) фаоллик (қандай машғулот бўлмасин, унга болаларнинг меҳрини оширмоқ керак); били малакаларининг пухталиги (мактабда ҳаёт учун яроқли нарсалар ўргатилади; ўқитиладиган нарсаларни шундай асосламоқ керакки, унда эсан чиқариш, иккиланишга ўрин қолмасин; моҳирона такрорлаш ва машқ қилдириш асосли ўзлаштиришга олиб келади) каби таълим қоидаларининг мақомини аниқлаган.

Я.А.Коменский асарларида «ўқитиш қоидаси», «таълим қоидаси» деган терминлар ишлатилмаган бўлса-да, ҳозир амалда қўлланаётган қоидаларнинг кўпчилиги учун замин яратилган эди. [4, 76. с].

Таълим мазмуни, воситалари, методлари, ташкилий шакллари мактаб олдига қўйилган ижтимоий талабларга мувофиқлаштириш, болаларнинг энг юқори даражадаги тараққиётини кўзлаб таълимни ташкил этиш, ўқувчиларнинг маълумот мазмуни ва фаолият методларини паралел эгаллашларига эришиш каби тадбирларни ўқув - тарбия жараёнига узлуксиз жорий этиш йўли билан таълимнинг навижаси, унинг сифати яхшиланади, таълим учун ажратилган вақтдан унумли фойдаланишга шарт - шароит тайёрланади. Таълимнинг самарадорлигини оширишга оид тадбирлар ва уларни ўқув-тарбия жараёнига тадбиқ этиш йўли билан қўлга киритилган ютуқлар таълим қоидалари асосида олдиндан белгиланади. Таълим қоидалари мақоми.

Ҳар бир қоиданинг ўз ўрни бор. Уларнинг биронтасини бошқаси билан алмаштириш мумкин бўлмаганидек, бирини иккинчиси ўрнида қўллаш ҳаммумкин эмас. Шу билан бирга, таълим қоидаларидан бири иккинчиси учун ўлчов саналади. Масалан, илмийлик қоидасини таълимнинг турли бўғинларида-бошланғич, ўрта, махсус ва мактабларда амалга ошириш учун тушунарлилик қоидасига риоя қилинади.

Мустақиллик ва фаоллик ўзаро сабаб ва натижа шаклида боғланган дидактик ҳодисалардир.

Ҳақиқий мустақилликка эришмаган мамлакатда фуқароларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги ҳақида гапириш мумкин бўлмаганидек, таълимда болаларнинг мустақиллигини таъминламасдан туриб, уларни фаоллигига эришиб бўлмайди. Таълимда ўқувчиларнинг фаоллиги мустақиллик орқали белгиланади, мустақиллик туфайли ўқувчи таълимнинг фаол субъектига айланади.

Таълим жараёнидаги мустақиллик фаоллик учун шарт-шароит вазифасини ўтайди. Фаоллик эса ўз навбатида болаларда мустақилликни тарбиялаш учун асос бўлади. Бу қоидалар бир-бирини тўлдирадиган ҳодисалар бўлиб, уларни моҳияти ташқаридан ичкарига ва ичкаридан ташқарига йўналган жараёнлар сифатида тасаввур қилингандагина англаш мумкин. Мустақиллик ташқаридан ичкарига йўналган жараён сифатида тасаввур этилганда, таълимда болаларнинг мустақиллигини таъминлаш маъносини, ичкаридан ташқарига йўналган жараён сифатида тасаввур этилганда, болада шакланган, тарбияланган шахсий сифат-мустақиллик маъносини англаймиз [5, 38. с].

Биринчи ҳолатда ташқаридан (ўқитувчи томонидан) берилган мустақиллик, иккинчи ҳолатда боланинг ўз интилишлари, ҳаракатлар эвазига унда шакланган шахсий сифат-мустақиллик кўзда тутилади. Мустақиллик шахсий сифат белгиларидан бири шаклида мустақил ақлий фаолият кўрсатиш йўли билан шаклланади. Кишининг мустақил ақлий фаолият кўрсатиш, мустақил

ўрганиш орқалигина фан асосларини пухта эгаллаши ҳеч кимга сир эмас. Ўқувчиларга китоб устида ишлай олиш малакалари, даставвал бошланғич синфларида ҳосил қилинган. Бу малакалар юқори синфларда янада такомиллаштирилади. Дарсларда ташкил этиладиган мустақил ишлар ўқувчиларда мустақилликни ривожлантиради. Ўзбекистон географияси фани бўйича болаларга шундайишлаб бериш мумкин: Тошкент, Ургенч, Самарқанд шаҳарларидан ташқари қайси меридианлар ўтган;

Ўқув материалларини ўргатиш жараёнида болаларга анализ ва синтез қилиш, таққослаш, абстракциялаш, умумлаштириш, индуктив ва дедуктив хулосалар чиқаришни ўргатиш.

Бола ақлий фаолият методларини ўргана борган сари, ўз олдига қуйилган муаммоларни ҳам тезлик билан бажариш сирларини эгаллайди. Бу ўз навбатида, болада ўзлаштирилган билимлардан амалиётда фойдаланиш қобилиятларини ўстиради. Таълимнинг барча босқичларида, дарснинг барча этапларида мустақил ишларни ташкил этиш, болаларга фан соҳасида қўлландиган методларни ўргатиш билан ўқувчиларда ўз кучига, ўз билиш имкониятларига ишонч тарбияланади. [3, 35. с].

Бу қоидаларни педагогик амалиётга тадбиқ этишда қуйидаги талабларга риоя қилинади:

- таълимда болаларнинг ҳиссий билишдан риционал ва аксинча, риационал билишдан ҳиссий билишга ўтишларини таъминлаш;

- таълим жараёни унинг босқичлари, бўғинлари, омиллари, кетма-кетлигини болаларни сезиши ва англашига эришиш;

- ўзлаштирилган билим, шаклланган малакаларни болаларга ўз сўзлари билан айтиб беришни ўргатиш;

- билимларни ўрганилган мавзуга доир омилларга, ҳаётга, ишлаб чиқаришга жорий эта билиш қобилиятини ўстириш;

- механик ёдлаб олишни чегаралаш;

- болаларда ўқув фанларига муносабатини тарбиялаш ва ниҳоят;

- таълим манбалари - кўргазма қурол, дарслик, ўқитувчи нутқини уйғунлаштиради.

Хулоса қилиб айтганда таълим икки томонлама жараён, яъни ўқитиш ва ўқиш. Таълим жараёнида ўқувчилар ижтимоий-тарихий тажрибасининг маълум томонларини ўзлаштирадиган мафкура, фан, ахлоқ, меҳнат, адабиёт ва санъат, умумий ва жисмоний маданиятларни ўрганади. Таълим комил шахс шаклланишига асос солади. Таълим ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолият бўлиб, икки ўзаро алоқа жараёнидир. Бунда ўқитувчи рухий, назарий ва амалий жиҳатдан тайёр бўлмоғи лозим. Бу масалани ҳал этишда синфдан ташқари ва мактабдан ташқари ишларнинг ҳам

имкониятлари кагта. Ўқувчиларнинг ёш техниклар, спорт, бадий тўғарақлар ва бошқа тadbирларда ишпирок этишлари ўқув кўникма ва малакаларини турли амалий фаолиятлар билан боғлаб олиб боришларига ёрдам беради.

Таълимни амалий фаолият билан қўшиб олиб бориш ўқувчиларни ахлоқий сифатлар, қизиқиш ва эҳтиёжлар, ижобий ўқув мотивлари шаклланишини таъминлайди.

REFERENCES

1. Xamidovna, Mamayusupova Iroda. "EVACUATION OF THE LEVEL OF CONFLICTS IN CONFLICT SITUATIONS BETWEEN ADOLESCENTS." *Confrencea 1.1* (2023): 23-27.
<https://confrencea.org/index.php/confrenceas/article/view/372/375>
2. Khamidovna, Mamayusupova Iroda. "MASTERY OF MANAGING PEDAGOGICAL COMMUNICATION STUDY, GENERALIZATION AND DISSEMINATION OF ADVANCED PEDAGOGICAL EXPERIENCE." *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal* 10.12 (2022): 1217-1222.
<https://internationaljournals.co.in/index.php/giirj/article/view/4627/4322>
3. Khamidovna M. I. CAUSES OF FAMILY CONFLICTS //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 12. – С. 870-872.
<https://internationaljournals.co.in/index.php/giirj/article/view/3156/2907>
4. Khamidovna, M. I. (2022). The influence of older people on the formation of the spiritual environment in Uzbek families. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH* ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(10), 360-364.
https://api.scienceweb.uz/storage/publication_files/3062/8164/641d74df6fdbcb0bc0bf0b0d184d0b0d0ba0d182d0be0d18074a0d0b0d0b2d188d0b0d0bd0b6d0be0bd2d29b0b8d180d29b0b8d0bb0b3d0b0bd.pdf
5. Khamidovna M. I. THE CONCEPT OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGY //International journal of scientific researchers (IJSR) INDEXING. – 2024. – Т. 5. – №. 2. – С. 503-505.
https://scholar.google.ru/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=sZY1_zEAAAAJ&citation_for_view=sZY1_zEAAAAJ:HDshCWvjkBEC
6. Khamidovna, Mamayusupova Iroda. "Psychological Advice On Preventing Conflicts Between Adolescents And Young People In The Family." *Onomázein* 62 (2023): December

(2023):

2094-2100.

https://scholar.google.ru/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=sZY1_zEAAAAJ&citation_for_view=sZY1_zEAAAAJ:qUcmZB5y_30C

7. Khamidovna, M. I. (2023). TYPES OF CONFLICTS BETWEEN ADOLESCENTS AND CONFLICT MANAGEMENT. Multidisciplinary and Multidimensional Journal, 2(5), 76-79. https://scholar.google.ru/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=sZY1_zEAAAAJ&citation_for_view=sZY1_zEAAAAJ:L8Ckcad2t8MC
8. ПОДРОСТКАМИ И. ЎСПИРИНЛАР ЎРТАСИДА НИЗОЛАР БИЛАН ЖАМОАДАГИ КОНФЛИКТ ВА УНИ ЕШИМГА ОЛИБ КЕЛИШ ЙЎЛЛАРИ //НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021. – Т. 1. – С. 592. <https://scholar.google.ru/scholar?oi=bibs&hl=ru&q=related:YDC43xAG6B4J:scholar.google.com/>